

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MEХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

122 «Ўзбекистон Республикасининг муҳтож фуқароларини протез-ортопедия маҳсулотлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
13 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1229-1*

(2012 йил 23 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ–1251-сон «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 562-модда) ва 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ–1252-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 563-модда) қарорлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 сентябрдаги 193-сон «Тиббий-меҳнат экспертиза хизмати фаолиятини ташкил этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 35-36-сон, 305-модда) ва 2011 йил 1 июлдаги 195-сон «Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга, ногиронликни ва касбий меҳнатга лаёқат йўқотилиши даражасини аниқлашга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 27-сон, 283-модда) қарорларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2003 йил 28 февралдаги 02/1, 39-сон «Ўзбекистон Республикасининг муҳтож фуқароларини протез-ортопедия маҳсулотлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 1229, 2003 йил 27 март) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари,

122-123-моддалар

— 98 —

11 (511)-сон

давлат кўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотнома-си, 2003 й., 5-6-сон) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар ва кўшимча кири-тилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга ки-ради.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири**

А. ХАЙТОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 10 февраль,
5-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 10 февраль,
19-сон